

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСКА сатрларда

□ **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Шарқ тонги» маҳалласида оналар ва болалар йилга бағишланган тадбир ўтказилди. Туман «Маҳалла» жамғармасининг туман маданият ишлари бўлими билан ҳамкорликда бўлиб ўтган ушбу тадбирда мутасаддилар ёрдами билан 30 нафар кам таъминланган оилалар аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилди, 17 та хонадоннинг коммунал тўловлари «Шарқ тонги» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тўланадиган бўлди, 11 нафар уквучига эса мактаб қуроллари ва дарсликлар инъом этилди.

□ **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманида тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари ва хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирокида Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда бўлиб ўтган йилгиликда ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, улар оғида ватанпарварлик, фидойилик, она табиатга, миллий қадриятларимизга муҳаббат ҳиссини шакллантиришда маҳалланинг роли ҳақида сўз борди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институти талабалари иштирокида Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан ўтказилган илмий-амалий анжуман «Адолат — қонун устуворлигида» деб номланди.

□ **ЎЗЭКСПОМАРКАЗДА** Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан «Матбаа маҳсулотлари ва уларни қадоқлаш технологиялари» мавзусида халқаро кўргазма ташкил этилди.

□ **ШУНИНГДЕК** Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан мамлакатимиздаги турли вазириликлар ва идоралар раҳбарлари иштирокида «Ўзбекистонда реклама бозорини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

□ **МИРЗО** Улугбек номидаги боғда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ташаббуси билан кўнгилилар иштирокида ўтказилган тадбирда бахтсиз ҳодиса ёки тасодиф туфайли жароҳатланган фуқароларга тез tibбий ёрдам кўрсатиш усуллари намойиш этилди.

□ **МУКМИЙ** номидаги ўзбек Давлат мусиқий театри янги мавсумни Усмон Азим қаламига мансуб «Алломиш ва Барчино» спектаклининг премьераси билан бошлади.

□ **СОҒЛОМ** авлод учун жамғармасининг кубоги учун болалар ўртасида ташкил этилган теннис турнири шахримиздаги «Камолот» спорт мажмуида бўлиб ўтмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ушбу мусобақада қатнашиш учун ташриф буюрган 100 нафар ёш спортчи орасида ҳозирча пойтахтлик ва қашқадарёлик ёш теннисчилар пешқадамлик қилмоқда.

## Ихчам трактор

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?



«Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссасдорлик жамияти тасарруфида жойлашган Италиянинг «Кейс — Ньюхолланд» қўшма корхонаси қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш ва юк ташиниш учун мўлжалланган ТЛ-100 русумли янги тракторни тажриба услубда яратди.

Янги тракторнинг ташқи ҳажми олдинги тракторларга нисбатан кичик бўлганлиги учун дехқон-фермер хўжаликлари учун ҳам жуда қулайдир. Трактор хайдовчиси учун энг замонавий бошқариш тизими мавжуд. Унинг жисмоний толиқмаслиги учун кабина ичида барча шарт-шароитлар яратилган. Хайдовчи ўтирган жойидан туриб трактор гилдираклари нибмалол кузатиб туриши мумкин.

Оғирлиги 370 килограмми бу трактор учта юкери ва учта паст тезликда соатига 40 километрдан ортиқ йўл босиши мумкин.

Яна шуни эътиборга лойиқки, тракторнинг ташқи кўриниши кўзни қувонтирар даражада кўркам ва файзли. Ерга ишлов бериш пайтида ер қатламини зичлашмаслиги учун барча жиҳатлар ҳисобга олинган. Орқа гилдираклар каби олдинги гилдиракларнинг ҳам етакчилик қилиши тракторнинг ҳар қандай шароитда ишлашига имконият яратди.

Шу йил охиридан бошлаб янги русумли тракторни туркум ишлаб чиқариши йўлга қўйиш борадигани ишлар жадаллик билан олиб боришмоқда.

Хусан БАРОТОВ

СУРАТДА: ТЛ-100 «Ньюхолланд» тракторининг ташқи кўриниши.

## ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштириш тизимини дастурий таъминлаш кафедраси Тошкент Давлат техника университетига янги ташкил этилган ўқув марказларидан биридир. Бу ерда қисқа вақт ичида қатор таълимий янгиликлар амалга оширилди. Кафедра Ўзбекистонда масофадан туриб ўқитиш таълимига кириш халқаро лойиҳасини рўйбга чқариш борадиган ҳам самарали изланмоқда.

«Макро ва микроқисодиёт» фани бўйича ташкил этилаётган ўқув машғулотларининг 25 фоизи масофадан туриб ўқитиш орқали бажарилмоқда.

Олий ўқув юрти магистратурасида «Фан, техника ва таълимда янги ахборот технологиялари» курси ҳам ташкил этилди. Махсус компьютер синфларида эса талабаларнинг ўзлари янги мавзуларни таълим технологиясига таъбиқ этишмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

## Терроризмга ер юзида ўрин бўлмаслиги зарур!

11 сентябрь кўни АҚШда содир этилган ва кўп минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган гайринсоний террорчилик ҳаракатлари юртдошларимизни қаттиқ ғазаблантирди ва чуқур ларзага солди. Шу муносабат билан «Оқшом» тахририятига кетма-кет телефон кўнгиноқлари бўлиб турибди. Уларда ҳамшахарларимиз бу ваҳишона қўпоровчиликни қаттиқ қоралаб унга қарши курашда бирлашиш зарурлигини таъкидламоқдалар.

— Америка Қўшма Штатларининг шаҳарларида террорчиларнинг қилган ҳужуқи бутун жаҳон ахли билан биргаликда биз, ўзбекистонликларни ҳам чуқур ларзага солди. Инсоният тарихида хали бундай дахшатли воқеа юз бермаган эди. Бундай ҳунрезликни таърифлашга тил ҳам ожизлик қилади.

— Америкада бўлган ёвузликни эшитиб, қўлоқларимга ишонмадим. Наҳотки инсон боласи шу даражада қабҳликка қўл уришга қодир бўлса. Биз оналар аввало ўзимизнинг, ўз фарзандларимизнинг, халқимизнинг тинчлигини уйлаймиз. Бирок, дунёда юз бераётган бун-

**Одилбек ИСАБЕКОВ, Собир Раҳимов**  
туманидаги Истиқлол маҳалласи фуқароси:

Рўй берган ана шу муҳдиш воқеаларни эшитиб ҳавлимдан Президентимизнинг турли халқаро йиғилишларда қилган даъватлари ўтди. Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

**Дилором ТУРСУНОВА,**  
Республика илмий ихтисослашган аллергиялогия марказининг бўлими мудири:

дай дахшатли воқеаларга асло бепарқ қарай олмаймиз. Бегуноҳ кўрбон бўлганларнинг ота-оналари, оила аъзолари нақадар оғир мусибатни бошидан кечирираёт-

минбаридан туриб ҳам бутун жаҳон ахлини ҳушёрликка чорлаган эдилар. Энди юз берган дахшатли воқеадан дунёдаги барча давлатлар тегишли хулосалар чиқариб олишлари керак, ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириб, террорчиларга қарши мустаҳкам қалқон яратишлари даркор.

ганликларини биз, оналарнинг қанбиди жуда яхши ҳис этади. Шундай экан, она сифатида ер юзидаги барча инсонларга мурожаат қилиб ўз фарзандларимизни ва келажагимизни ҳимоя қилиш учун биргаликда ҳаракат қилайлик, дегим келади.

**Сардор ЁҚУБОВ,**  
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг талабаси:

виждонли инсоннинг юрак-бағри ни ўртаб юборди, дахшатли ёвузликка нисбатан ғазаб уйғотди. Кўрбон бўлганлар орасида бизга тенгқур бўлганлар ҳам бор,

албатта. Уларнинг ҳаёт гули бевақт узилганидан афсус ва навоҳатдаммиз. Бинобарин бугунги кунда террорчилик бутун дунёда тинчлик ва ҳафсизликка жиддий таҳдид соқилаётган экан унга қарши биргаликда курашиш ҳам фарз, ҳам қарз.

## ҚУРИЛИШ

### Замонавий уйлар

Пойтахтимизнинг Нукус кўчаси қайта таъмирланиб ўзгача чирой очган бўлса, бу ерда қад ростлаётган замонавий турар жой бинолари унинг кўрғиға янада фойза бағишламоқда.

Ушбу кўчада «Ўзуйжойжамғарма-банк»и бюртотмасига кўра 5 та 12 қаватли уйлар қурилмоқда. Буюдкорлик ишларини жадаллаштираётган бош лудратчи «Ўйжойқурилиш» акциядорлик жамиятининг 1-капитал қурилиш бошқармаси курувчилари 46 хонадонга мўлжалланган 1-уйни Наврўз Байрами арафасида фойдаланишга топширишган эди. Эндиликда эса унинг ёнида қад ростлаётган 1-«а»-ҳамда 2-уйларда қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш йомушлари, 3- ва 3«а»-уйларда эса қазич ҳамда пойдевор ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда.

— Курувчиларимиз лойиҳа асосида гайрат билан ишлашмоқда, — дейди ишбози Мирвосиқ Соатов. — 12 қавати битаётган 1-«а» уй 46 хонадонга мўлжалланган бўлиб 3-4 хоналидир. 2-уй эса 1, 2, 3, 4 хонали бўлиб, унда 59 та оила яшайди. Энг муҳими, хонадонлар кенг ва шинам, яшовчилар учун барча қулайликлар муҳайё этилади. Катта-кичик айвонлар уйга ўзгача чирой бахш этади, ҳам хонадон ағзаларига қулайлик бўлади. Бугунги кунда ушбу уйлари қураётган 60 нафардан зиёд бунёдкор 2 сменада меҳнат қилмоқда. Тиклаш ишлари билан Биргаликда, сантехника, пардозлаш ва электр йомушлари адо этилмоқда.

Гулбаҳор НУРИТОВА

## Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушга Ўзбекистон халқи номидан кўп минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган гайринсоний террорчилик акциялар Ўзбекистон халқини қаттиқ ғазаблантирганлиги ва қалбларни чуқур ларзага солганлигини изҳор этиб, Американинг барча халқига ваҳишона террорчилик ҳаракати оқибатида кўрбон бўлганларнинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор этилган мактуб йўллади.

«Ушбу фожеали дадиларда бу дахшатли ёвузлик — терроризмга қарши курашда бизнинг кўч-ғайратларимизни бирлаштириш муҳимлигини қайта ва қайта аниглаётимиз, — дейилди мактубда. — Ўзбекистон, муҳтарам Президент, бу умумий ҳавф-хатар билан курашишда Қўшма Штатлар билан бундан кейин ҳам фаол ҳамкорлик қилганда ўзининг қатъийлигини яна бир бор тасдиқлайди».

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатларнинг раҳбарларидан мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан самийий дил сўзлари изҳор этилган кутловлар келиши давом этмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 11 сентябрь кўни АҚШда содир этилган ва минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган гайринсоний террорчилик ҳаракатлари муносабати билан баёнот билан чиқди.

• Пойтахтимиздаги Темурилар тарихи Давлат музейида «Хуқуқий маданиятни юксалтириш — демократик ислохотларнинг муҳим шарт» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Бухорода бошланган II Халқаро Ибн Сино ўқишлари «Буюк меҳрос ва замонавий цивилизация» деб номланди.

• **БУГУН** Жиззахда «2001 йилги Вохиҳод ўқишлари» Республика илмий-амалий конференцияси бошланди.

**Жаҳонда**

• Афинада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг грек тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бугасида»: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қобилатлари» номли асарининг тақдими маросими бўлиб ўтди.

• Чоршанба кундан бошлаб АҚШда ваҳишона террорчилик ҳаракатлари пайтида халок бўлганлар хотирасига бағишлаб умуммиллий мотам кўни эълон қилинди. **БУГУН** халок бўлганларга Америкада мотам ва Европа Иттифоқининг барча мамлакатларида уларнинг хотирасини эслаб уч дақиқали суқут эълон қилинган. Американинг ўзида эса Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида фожеа рўй берган жойда кўтқарув ишлари давом этмоқда. Чоршанба кўни Нью-Йоркда Жаҳон савдо марказининг қулаб тушган биноси тагида тирик қолганлардан тўққузидан ўн учгача нафари қутқарилди, бино тагидан 34 кишининг мурдаси топиб олинди. Бедаврақ йўқолганлар сони 4700 дан ошди. Пентагон бинасида 190 га яқин киши халок бўлган. Бир қатор жаҳон ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, бошланган тергов ишлари «Ғоибда террорчилик ҳаракатларини уюштириш ва бажаришда гумон қилинган эллик кишининг шахси аниқланди. Ҳозирча ана шу киноватларни содир этганлик учун ҳеч қим ўз зиммасига масъулиятни олмапти. АҚШнинг НАТО бўйича иттифоқдошлари Шимолий Атлантика шартномасида қайд этиб қўйилган коллектив мудофаа тўғрисидаги молдали биринчи марта қўллашга қарор қилдилар. Зарурат туғилган ҳолларда эса ушбу иттифоқ мамлакатларида қўпоровчилик ҳаракатларига жавоб тарзда биргаликдаги акцияларни амалга оширишга рўхсат берилди.

• **БУГУН** Алматыда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари раҳбарларининг ва Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** Душанбеда бешта Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия вакилларининг минтақа ҳаёфсизлиги муаммоларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Арманистонга уч кунлик расмий ташрифи бошланди.

• Ялтада Украина — Европа Иттифоқи саммити бўлиб ўтди.

• **ЭРТАГА** Шеньян шаҳрида «В» гуруҳида жаҳон чемпионатининг Осиё китъаси саралаш ўйналари иккинчи босқичида гуруҳ пешқадами — Хитой терма жамоаси Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан беллашади.

# МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ

№ 2. Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг саҳифаси

## Ҳамжиҳатликда гап кўп

Дарҳақиқат, маҳаллада бўлганимизда унинг ҳудудига кўчалар, кўп қаватли бинолар атрофидаги майдонлар озода, турли-туман мевали дарахтлар экилганлигининг гувоҳи бўлди. Энг муҳими маҳаллада ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, уларнинг спортга ошно ҳолда ўсишларини таъминлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Чунинчун, ўқувчиларнинг ёш тавтиллари пайтида 146-мактаб ҳудудига спорт майдончасида 9-16 ёшли болалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилиб, барча ғолиблар тақдирланди. Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Футболчимиз келажиги» мусобақаларида ҳам «Тахтапул» маҳалласининг ёш чарм тўп устали туман миқёсида совинли ўринни эгалладилар. Ҳозирда маҳаллага ёш, иқтидорли футболчиларнинг маҳоратларини юзга чиқариш мақсадида тажрибали мураббийни тайинлаш кўзда тутилмоқда.

Собир Раҳимов туманидаги «Тахтапул» маҳалласи шаҳримизда кўп қаватли уйлар негизда ташкил топган дастлабки маҳаллалардан саналади. Шуниси қувонарлики, ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи 7500 нафар фуқаронинг барчаси ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган урф-одат ва удумларга амал қилишиб, меҳр-оқибат, муҳтожларга кўмак кўрсатиш ишларига катта аҳамият қаратган ҳолда бир оила фарзандларидек аҳил-тоғув ҳаёт кечиряпти.

— Маҳалла, бу Ватан ичра кичик бир Ватан, давлат таркибидagi муҳим бир бўғиндир. — дейди «Тахтапул» маҳалласи оқсоқоли Азиз Абдуллаев. — Зеро, мавжуд муаммолар аҳоли билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликда ҳал этиладиган бўлса, амалга ошириб бўлмай диган ишнинг ўзи йўқ.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ

ТАДБИРЛАР

## Давра суҳбати

Бектемир туманидаги замонавий тарзда бунёд этилган «Астробод» гузарлар марказида барча маҳаллалар фаоллари иштирокида байрамлар, хайрия тадбирлари, маънавият ва маърифат кечаларини ташкил этиш хайрли анъана тусига кирган. Яқинда туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда «Астробод» гузарлар марказида туман ҳудудидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар фарзандлари, етим-есир болалардан 14 нафарининг суннат тўйлари ташкил этилди. Ажойиб тўю томошага айланиб кетган ушбу тадбир давомида болажонларга Бухоро шаҳрида махсус тикилган дўппию зар чопонлар кийгизилди, тўла сарпо-суруқлар топширилди. Шунингдек, 126 та кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

КЕЧА

«Астробод» гузарлар маркази яна тумандаги барча 12 та маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияларининг раислари, посбонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда ўтказилган давра суҳбатига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вакиллари тақлиф этилди.

Бевосита мулоқот ва қизиқарли савол-жавоблар руҳида ўтган тадбир давомида мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш борасида қилинаётган ишлар, бу жарафнда маҳаллаларнинг роли, ёшлар тарбияси мавзуларида маърузалар қилинди, йиғилганларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

(Ўз мухбиримиз).

## Ҳомийлар ёрдамида

Юнусобод тумани ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликда кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ҳамхўрлик кўрсатиш, маҳаллаларни ободонлаштириш борасидаги ибратли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, кун кеча ҳокимлик ва жамғарманинг туман бўлими томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди — маҳаллалар ҳудудида истиқомат қилувчи 250 та кам таъминланган оилаларга ҳар бири 1364 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳомийлар ёрдамида 150 та оилага 760 минг сўмлик кийим-кечаклар тарқатилди.

Бундан ташқари ҳаётдан бевақт кўз юмган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига 49 минг 104 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

(Ўз мухбиримиз).

**Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалласи намунали маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ушбу маҳалла оқсоқоли Зоҳид Отаметов, хотин-қизлар комиссиясининг раиси Шарифа Мусавваларнинг ўз самарали фаолиятлари эвазига «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишонлари билан тақдирлангани ҳам фикримиз далилидир. Биз «2-Чарх Камолон» маҳалласининг оқсоқоли Зоҳид Отаметов билан амалга оширилаётган хайрли ишлар тўғрисида суҳбатлашдик.**

— Зоҳиджон ака, маҳаллада аҳиллик-тотувлиқни таъминлаш, муруват тадбирларини ўтказишда нималарга асосий эътибор қаратилмоқда?

— Бунинг учун маҳалламиздаги мавжуд хусусий фирмалар, тадбиркорларнинг куч-имкониятларидан ўринли фойдаланишга ҳаракат қилаямиз.

Масалан, савдо-сотик фаолияти билан шуғулланувчи «Отаметов» хусусий фирмаси ҳар йили маҳалла ҳисоб рақамига 600-700 минг сўм пул ўтказди. Шунингдек, «Наргизабон» хусусий корхонаси, тадбиркор Тоҳир Алимухамедовлар ҳам маҳалламиздан ўз саховатларини дариғ тутишмаяпти. Ҳозирги кунда маҳалламиз ҳисобида 450 минг сўм пул бор. Уни ҳам ободонлаштириш, хайрия ишлари каби энг керакли юмушларга сарфлаш ниятидамиз.

— Маҳаллада ёшлар билан ишлаш қай тартибда амалга оширилмоқда?

МУСОҲАБА

## Хайрли юмушлар

— Маҳалламиз таркибига шахсий уй-жойлардан ташқари 25 та кўп қаватли уйлар ҳам киради. Аҳоли 6800 нафар бўлиб, катта маҳаллалар қаторидан ўрин олган. Аҳолиси ҳам кўп миллатли бўлганилиги сабабли асосан бошқа миллатлар вакиллари ҳам миллий урф-одатларимиз билан таништиришга ҳаракат қилаямиз.

Кам таъминланган оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Коммунал тўловлар, айниқса чикиндиларни ташиш учун тўловларнинг 100 фоиз тўлашига эришяпмиз. Бу борада 39 та кам таъминланган оиланинг 6 ой ва 1 йиллик чикинди пуллари тўлашларига ёрдам бердик. Бундан ташқари янги ўқув йили олдинда 8-12 ёшли 110 та кам таъминланган оилалар болаларини тўплаб, уларга дафтар, папка, дарсликлар, бошқа ўқув қуролларини топширдик. Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида 6 та оилага уч минг сўмдан ёрдам пули бердик. Маҳалламиз ҳудудидаги 128-мактабни таъмирлашга ҳисоб рақамимиздан 40 минг сўм ўтказдик. 139-болалар боғчасига ҳам баҳоли қудрат ёрдам кўрсатиб турибмиз.

— Албатта, кам таъминланган оилалар, мактаб ва боғчага хайрия кўмагини кўрсатиш орқали савобли ишларга кўл ураётган экансизлар. Айтингчи, бунинг учун маблағни қаердан оляпсизлар?

— Келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшлар билан ишлаш ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Бу йил иқтидорли боладаримизни йиғиб футбол жамоасини тuzдик. «Узмаком» кўшма корхонаси билан ҳамкорликда уларга футбол кийимларини олиб бердик. Болажонларимиз «Футболчимиз келажиги» мусобақаларида муносиб иштирок этишди. Ёшлар ўртасида гиёвандлик, уларнинг турли оқимларга кириб кетишининг олдини олиш мақсадида турли-туман тадбирлар ўтказиб турибмиз.

— Обод ва ораста маҳаллаларга кирган кишининг кўнгли яйрайди...

— Фаоллар билан бирга бу масалаларга ҳам муҳим эътибор билан ёндашяпмиз. Жумладан шаҳар ҳокимлигининг ёрдамида барча кўчаларимиз текис асфальтлаштирилди. Кўчаларимиздаги дарахтларнинг доимо оқланган ва буталган ҳолатда бўлишини назорат қилиб борамиз. Бу борада 17 та кўча бошларимиз бизга катта ёрдам беришади. Маҳалламизнинг учта жойига катта чикинди қутиларини ўрнатганмиз. Чикиндиларнинг доимо олиб кетилаётганлиги сабабли бу борада ҳам муаммолар йўқ. Ҳозир аҳоли талабига кўра телевизор, дазмол каби электр анжомларини тузатувчи устaxonа фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатидамиз.

Суҳбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ



Акmal Икромов туманидаги «Янгиобод» маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раиси Муқаддам Солихова (чапда) маҳалладош аёллар билан мулоқот пайтида. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

# БЕШИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).

Бир неча кундан сўнг улар саломат Миср шаҳрига етиб бордилар ва у ердан бир ховли сотиб олиб, ўша ерда ҳаёт кечира бошладилар. Улар бир-бирлари билан муҳаббатлик умр кечирдилар. Шаҳзода Жавҳар ҳуснига боқиб тўймас, бир-биридан ажрамасдилар. Улар яна бир йил ишратда ҳаёт кечирдилар. Кунлардан бир кун Жавҳар шаҳзодани гамгин ҳолда кўрди ва ундан маъюслик сабабини сўради. Шаҳзода деди: эй жонимни маҳрамини, харж қилмоқ учун заримиз оз қолибдур. Мен барча хунардан бебаҳрадурман. Агар йўқсил бўлиб, зору афгор бўлсак, бизга бирор киши мададкор бўлмайди. Киши разил нонига муҳтож бўлгунча очдан ўлган яхшироқдур. Жавҳар юз нозу карашма билан деди: эй тожу тахт безаги, ўшал қолган зарни менга кўрсат! Шаҳзода билан Жавҳар қолган сийму зарни икки минг ашрафийга тайин қилдилар. Ўшал дамда Жавҳар мумдан бир неча сурат ясади. Шаҳзодага бозордан бир неча рангда ипак олиб келишни буюрди. Шунингдек, ўзига бир от билан куш ҳам сотиб олишни таъкидлади, токи кунларни саҳрода сайр қилиб ўтказай. Шаҳзода унинг буюрган ишларини бажарди. Энди шаҳзода кунда отга миниб, қўлига қушни кўндириб саҳрога чиқар ва ов қиларди. Жавҳар дастгоҳ қуриб, ипакдан бир гилам тўқиди, унинг ичида пашшадан то анқогача жониворлар тасвири бор эди. У нодир гиламни тўқиб, шаҳзода юзига шодлик эшигини очди. Гиламни шаҳзодага топшираркан, агар жазман харидор келса, беш юз динордан камига сотма! Бирор киши бу мол қаердан келганини сўраб қолса, чин мамлакатидан деб жавоб бер! — деди. Шаҳзода гиламни бозорга олиб борди, кўрганлар ҳайратга тушдилар. Баҳосини кам-кам ошириб, беш юз динорга чиқардилар.

Миср шаҳрида бир яхуди бор эди. Олам аҳли унинг инъому эҳсонидан баҳраманд эди. Хаммадан карамли ва муҳташамроқ эди. Шунингдек, шох олдида ҳам эътибори баланд эди. Бинобарин, халойиқ ундан чўчирди. Унинг исми Шамун бўлиб, зебу зийнатга бой эди. Гиламни кўриб харидор бўлди ва олти юз динор бермакчи бўлди. Гиламни сотиб олиб кетаркан, йўлда кўрай яна бир бор деб гиламни очиб кўрди. Хар бирига гул билан сурат чизиб, назокатдан бир-бирига қаратган эди. Агар Чиннинг барча нақшошлари йиғилса ҳам, бу гиламдаги тасвирларни мингдан бирини ҳам ёзолмас эди. Аммо, гиламга икки билакнинг расми туширилган бўлиб, уни кўрган одам ўлимига рози бўларди. Яхудийнинг кўзи билакнинг тасвирига тушиши ҳамоню барча азвосига ўт туташди ва ишқ-муҳаббати ҳаддидан ошди. У нолаю фигон қилиб бу сурат домига гирифторм бўлди. Унинг кундан-кунга аҳволи ёмонлашиб, суратга ёпишиб олди. Бағрига ўт туташиб, кўзидан алам ёшларини тўқарди. Унинг ох-ноласи кучайиб, бу синоатдан онаси хабар топиб, ўғлининг аҳволини кўргач, бу гилам қаёқдан пайдо бўлди, ширин ҳаётининг гамга ботирди? Шамун деди: бу Чин мулкидан келган матодир, бу санъатни унинг аҳли қилгандир. Онаси деди: эй нодон фарзанд, бу гиламни ушбу мамлакатда бир қиз тўқиган. Фикримча бу қиз бирор кишининг қўлида тукун бўлиб, шу йўл билан тутқуликдан кутулмоқчига ўхшайди. Ва ёки бири бировга бўлган гирифторм, ночорликдан бу гиламни тўқиб, бу илм билан турган жойини маълум қилиш ва бир-бирини топишдир. Кампир макру хийла фолини очиб, ҳаёлини ҳар томонга бурарди. Шайтоншав онаси Шамунга деди: дардининг давоси топилди, яна бозорга боргин, агар ушбу гиламдан нишона топсанг, унинг сотувчисини бу ерга олиб келгин. Агар ўқимиз нишонга тегса, сенга ўшал анқо мурборак бўлмай.

Ана шундай хийла-найранг билан Шамун бозорга бориб, даллолларга ушбу гиламдан топинг деб овоза қилди. Кишиларни ҳар томонга юбориб, тасвир туширилган гиламни қидиртирди. Ногоҳон унинг отган ўқи нишонга тегиб, у ерда қўлида гилам билан шаҳзода кўричди. Шамун дарҳол гиламга харидор бўлиб, баҳосини минг динорга чиқарди. Шамун гиламни сотиб олиб, шаҳзодани ҳам бирга бошлаб олиб борди. Шаҳзодани меҳмонхонага ўтказиб, гуногун меваю таомлар билан эъозлади. Шундан сўнг гиламнинг қийматини қўлига тутқазиб, иззат-икром билан кузатди. Шамуннинг онаси бир чеккада беркиниб турган эди. Шаҳзода йўлга бозорига тушиши билан унинг орқасидан эргашди. У шаҳзоданинг қорасини кўздан чиқармай борарди. Шаҳзода уйига етиб, дарвозадан ичкари кирди. Кампир эса эшикни кўргач, тезда орқасига қайтди. У келиб ўғлига деди: эй кўнгли аламли ўғлим, кўнглингни забт этган у парипайкар энди қўйингдадур.

Эртаси кампир қўлига хасса, бошига чодра ёпиб, кўзини ёшлаб шаҳзода уйи томон юрди. Эшиқдан қаддини букиб, неча макру хийлани ўйлаб ичкари кирди. У Жавҳарни кўриши билан салом қилиб, деди: эй хусн элининг яқтоси, олам аҳли хали сенингдек дилрабоини кўргани йўқ. Ходисалар офатидан саломат бўл, омон юргин замона кулфатидан! Мани сўрсанг ибодат қилмоқ оdatимдир, худога бандалик қилмоқ ишимдир. Кеча-кундуз ибодат қилиб, қаерда мазорот бўлса зиёрат қилурман. Инон-ихтиёрим кўлдан кетиб, бу манзилга гузарим тушди. Менга таҳорат учун сув берсанг, ушбу ерда тангрига ибодат қилсам. Савобиңшу ҳурга бағишлай, токи хуснинг қамоли бўлмасин кам. Сага худонинг лутф-карами хамиша мададкор бўлмай, бахту давлат ёр бўлмай.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.  
(Давоми бор).



Мовий кўлда қайқда сайр.

Равиль Альбеков олган сурат.

## Сўранг, жавоб берамиз



Янги оила кодексига эр-хотин никоҳдан ўтаётганда никоҳ шартномаси тузилар экан? Никоҳ шартномасини тузиш мажбурийми?

Ф.Раҳимова.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 6-бобида эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби кўрсатилган бўлиб, унга кўра никоҳ шартномаси ихтиёрий равишда тузилади.

Ушбу кодекснинг 29-моддасига кўра никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилловчи қелишуви никоҳ шартномаси ҳисобланади.

\*\*\*

Алимент тўлашдан бош тортганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинми?

А.Ҳайдарова.

Оила кодексининг 116-моддасига асосан вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товланган шахслар ушбу кодекснинг 79-моддасига асосан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ота-онасига моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарорларини бажармаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

\*\*\*

Сўнги вақтларда қизларни эрта турмушга бериш одат бўлиб қолди. Баъзан ёш турмуш курсан оналар тез ажралиб кетганга ачинасан киши. Вояга етмаган шахсни турмуш қуришга мажбур этиш жиноятми?

С.Ҳайдарова.

Никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ва бундай шавб билан никоҳда бўлиш жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Никоҳ ва оила кодекси билан никоҳ ёши белгиланган бўлиб, бу қонун талабини бузиб, никоҳ ёшига етмаган шахсини эрга бериш, шунингдек у билан никоҳда бўлиш жиноят кодексининг 128-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

\*\*\*

Ота-она қонуний ажралиб кетгандан кейин бола ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиб туриши мумкинми? Бу борада боланинг ҳуқуқлари қандай?

М.Усмонова.

Оила кодексининг 66-моддасида таъкидланганича бола отаси, онаси, бобоси, буvisи, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиб ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топиллиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшashi боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиб ҳуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшагани тақдирда ҳам бола улар билан кўришиб ҳуқуқига эга.

Жавоблар ҳуқуқшунос Ғайрат АБДУҚОДИРОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.

\*\*\*

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига кўнгиноқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

# Бу ажиб дунё

## 3 килограммлик ари уяси

Нижегород вилоятининг Дзержинск шаҳрилик бир киши уйига кириш ва чиқишда қийналаётганидан таъмирлаш хизматига мурожаат этди. Таъмирлаш хизмати ходимлари дарвоза бурчагидаги улкан ари уясини кўриб, хангу манг бўлиб қолишди. Ундаги сон-саноксиз ариларни айтмайсиэми? Хизматчилар уй соҳибини «душман»дан халос этишди.

Уя роппа-роса 3 килограмм чикди!

## Муסיқа учун филга ҳақ

Лиссабондаги ҳайвонот боғининг хизматчилари филлардан бирининг алоҳида қобилияти борлигини сезиб қолишди. Унга бир неча ҳафта ичида ўзининг овқати учун ўзи пул топишни ўргатишган.

Томошабинлар қафас ичига танга ташласалар, фил хартуми билан бир неча кўнгиноқ қатор қилиб илб қўйилган арқонни тортади. Шу йўл билан у ҳафта мобайнида кундалик овқати учун етарли маблағ тўплайди.

## Ранги ўзгарувчан қуш

Ғарбий Африкада шундай бир қуш ашайди, ташқи кўринишидан ёввойи каптарларга ўхшайди. Бироқ патларининг ранги ҳар хил — товус каби товланади: зангор, кўк, сариқ, тўқ қизил рангда. Аммо бу қушнинг яна бир хусусияти борки, у ёмғир остида қолса, рангларини «ювилиб», бўзрайиб қолади. Қуёш чарақлаб чиққач эса яна аввалгидек ялғал товланади.

## Ноёб истеъдод эгаси

Колумбиянинг Арина шаҳрилик 16 ёшли Фульхенсио Аугусто Мендерес ҳамшаҳарларини қойил қолдирди. Мендереснинг бўйи 177 сантиметр, вази 70 килограмм бўлгани ҳолда эртақлардагидек эгилувчан қобилиятга эга. Бу албатта, узоқ йиллар давомидаги машқлар билан самарасидир. Аугусто бемалол 50 литр сув кетадиган бочкага сиғади, гавдасини шар ҳолатига келтиради. Яна у мушук сингари 12 сантиметрлик тешиқдан ўтганига нима дейсиз?

## Ўта сезир «бурун»

Англиялик олимлар авиаконпанияларнинг буюртмасига биноан янги электрон асбоб яратишди. Бу қурилма ёрдамида йўловчилар юки орасида портлагич ёки қурол-яроғ йўқлиги аниқланади. «Электрон бурун» ҳар қандай портлагични, ҳатто микроскопда кўринадиган даражада оз бўлса-да, аниқлайди.

Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.

Шарқ дурдоналари



- Дунёда оқилона сўз ва яхши номдан бошқаси унутилади.
- Умринг ҳамма соатларини фойдали ва соғлиққа мувофиқ машғулот билан тўлдиринг, қайғу алам бош суқадиган жой топмасин.
- Насихатни олмайдиған одам бахтсиздир.
- Яхши фазилатли бўлиб кўринишда маъно йўқ. Асл маъно чинакам фазилатли бўлишдадир.
- Нодон одам ўзи билмаган, тушунмаган нарсани ё муқаддас, ёки куфр деб билади.
- Одамлар учун хотирда сақлаш, унутмаслик нақадар зарур бўлса, баъзи вақтда унутиш ҳам шу даражада зарур.
- Ярамас, бузуқ ишларнинг эшиклари саноксиздир. Хушёрлик, сезгирликни сира ҳам кўлдан берманг. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасангиз, бузуқ йўлларга кириб кетганингизни ўзингиз ҳам билмай қоласиз. Маишатиңизнинг ҳозирча яхши ўтиб турганига мағрур бўлманг, оқибатини ўйлаб, шунга қараб ишингизни олиб боринг. Тавозени ўзингизга шиор қилиб олинг, манманликдан қочинг, камтар бўлинг.

**Улуғлик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут, Кимдаки бўлса бу хислат, ажаб саодатдир.**

- Тўрт нарса ҳамма учун керак: саломатлик, гўзал хулқ, ростгўйлик ва ҳалол меҳнат.
- Ҳар кишида бўлса эрликдан нишон, Хеч бир одамга раво кўрмас зиён.**
- Бир донишманддан «Одамлар сўзлари ва ишлари жиҳатидан неча туркумга бўлинадилар?» деб сўрадилар. У жавоб берди: — Шу жиҳатдан одамлар тўрт туркумга бўлинадилар. Биринчи туркумдагилар бир ишни қилишга сўз берадилар ва сўзларининг устидан чиқадилар. Бу — гўзал сифатли одамлар одати. Иккинчи туркумдагилар сўз бермайдилар, лекин индамасдан юриб ишларини кўнглидагидек дўндирадилар. Бу — жуванмардлар одати. Учинчи туркумдагилар оғизни кўпиртириб сўзлайдилар, ваъда берадилар, аммо амалда ҳеч бир иш кўрсатмайдилар. Бу — мунофиқлар шеваси ва хийлакорлар ишидир. Тўртинчи туркумдагилар сўз ҳам бермайдилар ва ҳеч бир иш ҳам кўрсатмайдилар. Бу — ҳасис ва пасткаш одамлар хислати.

- Қалб бошдан кўра ҳам тўғри ҳукм беради.
- Жоҳил билан тортишиб ўтирган олим ҳурмат кутмасин. Бирор жоҳил сўзлаб, олимни суқут эттирса, таажуб қилманг, чунки тош гавҳарни синдира олади.
- Нодон киши ўзининг насл-насабига, олим киши эса ўзининг илм ва адабига таянади.
- Тарбиясиз одам жонсиз жасадга ўхшайди.
- Ҳақиқат ва тўғриликни севадиган одам доим виждони фармонига итоат этади ва унинг виждонига ҳеч ким ҳоким бўла олмайди.
- Виждон — ақлнинг қон томири, унинг уриши бизни доим яхши ва ёмондан воқиф этиб туради.
- Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра суқут қила билиш нодир фазилатдир.
- Ақл-хуш эгаси бўлган одам халқ билан дўстона яшайди. Халқ билан чиқишмаган одам роҳат юзини кўра олмайди.

**Кимки эл бирла мураса қилмади, Умрининг ширинлигин ул билмади.**

- Маҳмадона, валдиловчи одам очик бир мактубга ўхшайди. Уни ҳамма ўқиблади.
- Ҳар қандай мушкулликда ҳам нажот тўғрилиқдадир.
- Фарзанд олган тарбиясига қараб ота-онасига роҳат ёки кулфат келтиради.
- Ота -онасини ҳурмат қилмаган фарзанд ўз фарзандларидан ҳурмат кутиши ножоиздир.

**Топагон**

— Амаки, мен сизнинг уйингизни биламан.  
— Ростдан-а, қани айт-чи, қаерда экан уйим?  
— Юрасиз, юрасиз, юрасиз-де, битта эшиқдан кирасиз, ана ўша сизнинг уйингиз бўлади!

**Қараб тургани учун**

Ховлида иш қилаётган ақсининг олдига Умида чопқиллаб келди-да деди:  
— Ака, ака, китобингизни укам йиртиб қўйди!  
— Олдида экансан қараб турмадингми?  
— Қараб турганим учун шундай қилди-да!

**Сиз тўхтаб туринг**

Митти Анвар ақаси билан кетаётди деди:  
— Мен сиздан ўтиб кетаман.  
— Ўтиб кетиб бўлсан, — деб ақаси қадамини тейлатди.  
— Ха, ундай эмас-да, деди тўхтаб Анвар — сиз тўхтаб туринг-да!

**Бу ерда бўлмайди**

Меҳмонга келган тўрт ёшли Малоҳат сув ўйнаб ўтириб ариқ-



чага тушиб кетди. Яна кўйлагини хўл, лой қилиб қўйди. Меҳмонлар билан ўтирган онаси дарров бошқа кўйлак узатиб:  
— Ма, буни кийиб ол, — деди.  
Малоҳат ўтирган одамларга бир-бир қараб чикди-да сўнг деди:  
— Бу ерда кийсан уят бўлади, кўчага чиқиб кийиб оламан.  
**Ҳабиб РАҲМАТ**


**БЎШ ВАҚТИНГИЗДА**

**Бошқотирма**

**Ёйлар бўйича:** 1. Йил фалса. 2. Катта эшик. 3. Ҳамдўстликдаги республика пойтахти. 4. Электр токи ўлчови асбоби. 5. Ҳаво транспорти. 6. Табобат ва техникада ишлатиладиган юмшоқ, кул ранг тоғ жинси. 7. Қишлоқ ҳўжалиги кўроли. 8. «Кўрўони Карим»нинг еттидан бири асосидаги қадимий ўқув кўлланма. 9. Нок нави. 10. Егоч чопилганда, рандаланганда ҳосил бўладиган чикинди. 11. Маълум вақт давомида содир бўладиган тебраниш микроди. 12. Ҳаводан инган мусаффо томчи. 13. Жамият ҳаётида эркинлик, озодлик. 14. Рассомлик санъати соҳаси. 15. Кўча қисми. 16. Марказий Осиёдаги водий. 17. Шодибёна маросими. 18. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 19. Ўзбек фалакийтшунос олими, теурийшоуда ҳукмдор. 20. Инсонга ҳос яхши хислатлар мажмуи. 21. Узум нави. 22. Маънодош сўзлар. 23. Сурхондарё вилоятидаги туман. 24. Вафодорлик. 25. Уйғуннинг «Парвона» драмаси қаҳрамони. 26. Миллий ширинлик тури. 27. Қадимий мусика асбоби. 28. Шамсия йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи. 29. Илк ҳосил. 30. Афсонавий юнон шоири Гомер достони.

**Муаммонома**  
Шақл марказидаги рақамларда халқ ҳикматларидан бири яширинган. Уни қуйидаги очкичда таърифланган сўзларни топиб ҳарфлар билан алмаштириш асосида ҳал этинг.  
1. Фафур Фулом меросига мансуб фалсафий шеър — 4, 2, 7, 1.  
2. Тошкентдаги наشريёт — 6, 2, 5.  
3. Ўзбек тилшунос олими «Олти тиллик луғат» муаллифи бўлган тарихчи, маърифатпарвар — 3, 8, 10, 2, 1.  
4. Ҳаётдаги маълум бир вақт — 9, 2, 4, 10.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 7 сентябрь сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича:** 3. Анжир. 4. Қоқирим. 5. Лирака. 10. Ангар. 11. Пайса. 13. Эстрада. 15. Айриш. 20. Карат.  
**Ёйлар бўйича чапта:** 1. Пулкан. 2. Отчопар. 9. Андоз. 10. Акбар. 11. Париж. 12. Патефон. 14. Кўчала. 20. Крона.  
**Энига:** 6. Чўртан. 7. Неолит. 8. Икромий. 9. Қизирик. 16. Эчкизмар. 17. Энергия. 18. Аллома. 19. Раддия.  
**Муаммонома**  
**Очкич сўзлар:** 1. Чевар. 2. Куз. 3. Қайс. 4. Таомил.  
**Ҳикмат:** Мулоиймлик — ризқ сари етакловчи қалит!

**«02»: ҲОДИСАЛАР**

● Этьиборсиз қолган транспорт воситасига қим тегинмайди, деб қафолат берасиз. Ҳамза туманида Собир М.нинг «Нексия» русумли автоуловидан «ДЭУ—Танк» автомагнитоласини кимдир ўмариб кетган. ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни амалга оширган Фулом Р. кўлга олинди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.  
● Шунингдек, Ақмал Икромов туман ИИБ навбатчилик қисмига кечаси соат 12лар атрофида бир ўғирлик ҳусусида хабар тушди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар зое кетмади. Ҳеч қаерда ишламайдиган Курбон С. жабрланувчи фуқаро Акбар А.нинг кўрасидан бир дона кўйини ўғирлаб кетаётган вақтда ушланди.  
● Гиёвандликка қарши кураш ўтказилаётган бир пайтда мамлакатимиз ҳудуди, қолаверса пойтахтимиз кўчаларида наркотик моддалар билан шугулланиб ўз номига иснод келтираётган аёлларни эшитсанг ачинасан киши. Икки ишлар идоралари томонидан ўтказилган қатор тадбирлар натижасида «Алгоритм» даҳасидаги троллейбус Бекатларининг бирида Насиба Й. исми аёл тўхтабди текширилганда, унинг ёнидан героин гиёвандлик моддаси топиб, тортиб олинди.  
● Юқорида чек қўйилган оғуфрушлик жинояти каби яна бир кимсанг гиёвандлик билан боғлиқ қора қилмиши қонун ҳимоячилари томонидан фош этилди. Ҳамза туманида ҳам фуқаро Карима Т. ўз уйи олдида ушланиб, ёнидан оқ кукунсимон героин захри қотили топилиди.  
● Ҳамза туманида ароқнинг касофати билан кўзини шера босган Денис Д. мусти ҳолда шу ёрда яшовчи Элмира К.ни уриб, жиддий тан жароҳати етказган. Оқибатда жабрланувчи болдир сўғининг синиши тахшиси билан травматология шифохонасига ёлқизилади. Безорилик билан ёлқизорлик қилган муштўмуў миллиционерлар томонидан кўлга олинди, тергов ва суриштирув ҳаракатлари давом этаётир.  
● Босқинчилик оғир жиноятлардан биридир. Бу ҳуқуқбузарликни амалга оширувчилар кишиларнинг тинчлиги раҳна солиб, ўз қора қилмишлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Юнусобод туманида номаълум шахс очик қолган эшиқдан И.Пардаевнинг уйига бостириб кириб, уриб, тан жароҳати етказган ва «Шиллякс» русумли телевизор, «Супра» магнитоласи ҳамда 60.000 сўм пулни тортиб олиб, воқеа жойидан қочиб қолган. Ҳуқуқ посбонларининг олиб борган тезкор кидирувидан сўнг ушбу жиноятни содир этган Геннадий Д. ва Сергей Н.лар аниқланиб, ушландилар. Мазкур қонунбузарликка теглиши далилий ашёлар олиниб, тергов ишлари ўтказилмоқда.  
● Илгари қора курсида ўтириб, теглиши хулоса чикармаган Иван Г. яна бир қабих ишга қўл урганлиги ИИБ ходимлари томонидан аниқланди. У «Авиасозлар» дехкон бозорида уй бекаси Ирина А.нинг бўйнидаги сариқ металлдан ясалган тақиноғига қўл солиб, узиб қочди. Бирок максасидаги эришиш учун қанча ҳаракат қилмасин барибир оқсоишталлик посбонлари унинг йўлга тўсиқ қўйиб, жиноятнинг олдини олишди.  
● Айни пайтда ўтказилаётган тадбирлар натижасида бир қанча ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди. Мирзо Улуғбек туманида ҳеч қаерда ишламайдиган Саша Н.нинг уйи тинтув қилинганда унинг хонадонидан 5,6 миллиметрли, «Старт» русумли, рақамлари ўчирилган тўппонча 7 дона патронлари билан олинди. Нима учун бу шахс ўз хонадонига қуролни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги тўғрисида терговда жавоб беришига тўғри келади.

**Замон ЭШОНКУЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоати муҳбири.**

**Бош муҳаррир**  
**Ақмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳама — 2 босма тўбқ офсет усули билан. Қонун бичими А-3

**Душанба, чоршанба ва жума куллари чиқади.**

**Нашр кўрсаткичи — 209**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа асиядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.